

**ПЕДАГОГИК ИННОВАЦИЯЛАР, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ
БОШҚАРУВ ҲАМДА ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ
ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Ped.48.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**“ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ” МИЛЛИЙ
ТАДҚИҚОТ УНИВЕРСИТЕТИ**

САДИКОВА ФИРУЗА МАХМУДЖАНОВНА

**ТАЛАБАЛАРНИНГ МУСТАҚИЛ ИЖОДИЙ ФАОЛИЯТИНИ
КОМПЕТЕНЦИЯВИЙ ЁНДАШУВ АСОСИДА
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
(“Профессионал таълим” соҳа йўналишлари мисолида)**

13.00.05 – Касб–ҳунар таълими назарияси ва методикаси

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on pedagogical sciences**

Садикова Фируза Махмуджановна

Талабаларнинг мустақил ижодий фаолиятини компетенциявий ёндашув асосида такомиллаштириш (“Профессионал таълим” соҳа йўналишлари мисолида).....3

Садикова Фируза Махмуджановна

Совершенствование самостоятельной творческой деятельности студентов на основе компетентностного подхода (на примере направлений “Профессиональное образование”).....23

Sadikova Firuza Makhmudjanovna

Improvement of independent creative activity of students on the basis of a competence-based approach (on the example of “Professional areas of education”).....45

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works49

**ПЕДАГОГИК ИННОВАЦИЯЛАР, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ
БОШҚАРУВ ҲАМДА ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ
ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Ped.48.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**“ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ” МИЛЛИЙ
ТАДҚИҚОТ УНИВЕРСИТЕТИ**

САДИКОВА ФИРУЗА МАХМУДЖАНОВНА

**ТАЛАБАЛАРНИНГ МУСТАҚИЛ ИЖОДИЙ ФАОЛИЯТИНИ
КОМПЕТЕНЦИЯВИЙ ЁНДАШУВ АСОСИДА
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
(“Профессионал таълим” соҳа йўналишлари мисолида)**

13.00.05 – Касб–ҳунар таълими назарияси ва методикаси

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.2.PhD/Ped.2643 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” миллий тадқиқот университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.iipro.uz) ҳамда “ZiyoNET” ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Исмаилова Зухра Карабаевна
педагогика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Муслимов Нарзулла Алихонович
педагогика фанлари доктори, профессор

Ҳакимова Муҳаббат Файзиевна
педагогика фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Бухоро муҳандислик-технология институти

Диссертация ҳимояси Педагогик инновациялар, касб-ҳунар таълими бошқарув ҳамда педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.Ped.48.01 Илмий кенгашнинг 2022йил “___” _____ соат _____даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100095, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Зиё кўчаси, 76-уй. Тел: (99871)246-92-17; факс: (99871)246-92-17; E-mail: pedagogikinnovatsiyalar@edu.uz, devonxona@iipro.uz)

Диссертация билан Педагогик инновациялар, касб-ҳунар таълими бошқарув ҳамда педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100095, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Зиё кўчаси, 76-уй. Тел: (99871)246-92-17; факс: (99871)246-92-17).

Диссертация автореферати 2021 йил “___” _____ куни тарқатилди (2021 йил “___” _____ даги ___ рақамли реестр баённомаси).

Ш.Э.Қурбонов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, п.ф.д., профессор

С.Ю.Ашурова

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, п.ф.н., профессор

Қ.Т.Олимов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, п.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда таълим жараёнини узлуксиз такомиллаштириб бориш, бўлажак мутахассисларнинг касбий тайёргарлигини ривожлантириш масаласи доимо долзарб саналган. Ривожланган мамлакатлардаги энг илғор таълим марказлари (Center for Creative Leadership Courses, IEDP, MOOC, CPC)да бўлажак мутахассисларнинг ижодкорлик ва креатив қобилиятларини ривожлантириш муҳим сифатлар қаторида алоҳида эътироф этилмоқда. Мутахассисларнинг мослашувчан, динамик, ўзига хос ижодкор бўлиши уларни янги шароитларга мослашиб кетиши ва инновацион фаолият олиб бориши учун муҳим аҳамият касб этади. Жумладан, ЮНЕСКО томонидан 2030 йилгача белгиланган халқаро таълим концепциясида – “сифатли таълим ижодий тафаккурни ва билимни рағбатлантиради, саводхонлик ва ҳисоб малакалари асосларини, шунингдек, таҳлил қилиш, муаммоларни ҳал қилиш, фикрлаш ҳамда бошқа шахслараро ва ижтимоий муносабат кўникмаларини юқори даражада эгаллаш”¹га алоҳида урғу берилган.

Дунёда педагог кадрларнинг ижодий қобилиятларини партицип ва дискурсив каби инновацион ёндашувлар асосида ривожлантириш орқали талабаларнинг ижодий таълим (Creative Education) жараёнини самарали ташкил этишнинг замонавий ўқув-услубий таъминотини яратиш муҳим аҳамият касб этади. Дунёнинг нуфузли университетларида талабаларда касбий фаолият соҳаларига йўналтирилган, шунингдек касбий фаолиятга тайёрлаш сифати ва самарадорлигини оширишга қаратилган ностандарт мазмун ва когнитив мулоқотни эркин танлаш ва ижодий амалий ҳатти-ҳаракатлар бўлажак ўқитувчиларнинг ижодий-коммуникатив қобилиятларини ривожлантириш омилларидан бири сифатида тадқиқ этилмоқда. Бунда таълим мазмунини креатив фикрлаш, амалий кўникмаларни шакллантиришга қаратиш, мустақил таълим соатлари улушини ошириш, мустақил таълим олишга қаратилган методика ва технологияларни жорий этиш муҳимдир.

Ўзбекистонда халқаро таълим стандартлари асосида олий малакали мутахассислар тайёрлаш учун зарур шарт-шароитлар яратилмоқда. Хусусан, Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясида “индивидуал таълим траекторияларига асосланган, талабаларда креатив фикрлаш, амалий кўникмаларни шакллантиришга қаратилган ўқув режалар ишлаб чиқиш орқали талабалар қизиқишлари ҳамда кадрлар буюртмачилари эҳтиёжларига мувофиқ таълим дастурларини шакллантириш, ўқув жараёнида компетенцияларни кучайтиришга қаратилган методика ва технологияларни жорий этиш, ўқув жараёнини амалий кўникмаларни шакллантиришга йўналтириш”² каби муҳим вазифалар белгиланган. Бу эса бўлажак мутахассисларнинг касбий тайёргарлиги сифатини ошириш билан бир қаторда,

¹ Incheon Declaration/Education 2030: Towards inclusive and equitable quality education and lifelong learning for all (World Education Forum, 19-22 may 2015, Incheon, Republic of Korea).

² 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сонли “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш Концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони

олий профессионал таълим соҳасида бўлажак профессионал таълим ўқитувчиларининг мустақил ижодий фаолиятини ривожлантириш заруратини юзага келтиради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 сентябрдаги ПФ-5812-сон “Профессионал таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, 2017 йил 29 ноябрдаги ПФ-5264-сонли “Ўзбекистон Республикаси инновацион ривожланиш вазирлигини ташкил этиш тўғрисида”ги, 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш Концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармонлари, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида ҳамда мазкур фаолиятга оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши-нинг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I.“Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мамлакатимизда мутахассисларнинг ижодий фаоллиги, шунингдек, талабаларда танқидий, ижодий тафаккурни шакллантириш йўллари ва шакллари, мавжуд педагогик шарт-шароитлари, илмий-дидактик асослари республикамиз олимларидан Р.Ҳ.Джураев, Ш.Э.Курбанов, А.А.Абдуқодиров, У.Ш.Бегимқулов, У.И.Иноятов, А.Р.Ходжабоев, Н.А.Муслимов, Қ.Т.Олимов, Ш.С.Шарипов, Ф.М.Закирова, О.Х.Турақулов, Ж.А.Хамидов, Р.Д.Шодиев, О.А.Қуйсинов ва бошқа олимларнинг илмий изланишларида ёритилган.

Касбий фаолиятга тайёрлашда креативлик масалаларининг педагогик-психологик аспекти, талабаларнинг ўз-ўзини ижодий фаоллаштириш, шахсга йўналтирилган таълим муҳитини ташкил этиш муаммолари Дж.Гильфорд, Е.Торренс, А.Леонтьев, А.Маслов, К.Роджерс, Н.Ильин, М.Давлетшин, В.А.Сластенин, Г.Чижаква, И.Риданова, Ю.Круглова, Ж.Йўлдошев, Н.Азизходжаева, Ў.Толипов, Э.Ғозиевлар каби олимларнинг илмий изланишларида кенг ёритилган.

МДҲ мамлакатларида олий таълимда педагогларни тайёрлаш жараёнида ижодий қобилиятларни фаоллаштириш ва ривожлантириш масалалари Л.А.Буровкина, Е.А.Зновенко³, Е.А.Лапина, И.В.Динерштейн⁴ ва

³ Буровкина Л.А., Зновенко Е.А. Формирование творческих способностей учащихся на занятиях изобразительным искусством // Инновационные технологии в науке и образовании: материалы IV Междунар. науч.-практ. конф. Редкол.: О.Н. Широкови др. – Чебоксары: ЦНС “Интерактив плюс”, 2015. – С. 121-123.

бошқаларнинг тадқиқотларида кўриб ўтилган. Педагогика соҳаси таълими жараёнида касбий маҳоратга эгалликни тарбиялашнинг ўзига хослигини В.А.Караковский, В.А.Левина, О.А.Халифаева, Н.М.Яковлева ва бошқаларнинг тадқиқотларида кузатиш мумкин. Таълим жараёнида ижодкорлик ва коммуникативликнинг баъзи аспекти Д.П.Кохановская, А.М.Лещенко, В.В.Мороз, А.П.Тряпицина, И.М.Файзрахманова тадқиқотларида ўрганилган ва таҳлил этилган.

Касбий компетенцияларни шакллантириш, ривожлантириш ва натижасини ташхислаш масалалари эса А.А.Каримов, Н.Н.Каримова, Н.Ё.Нажмиддинова, Д.А.Мустафоева, Ж.Р.Турматов, К.Т.Уматалиева, Р.Ҳ.Файзуллаев, Ш.С.Шарипова ва бошқалар томонидан ўрганилган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Жиззах политехника институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг ОТ-Ф1-049 рақамли “Талабаларда ассертив хулқни шакллантиришнинг ижтимоий-психологик хусусиятлари” (2017-2021) мавзусидаги грант лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади “Профессионал таълим” соҳа йўналишларида компетенциявий ёндашув асосида талабаларнинг мустақил ижодий фаолиятини ривожлантириш методикасини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ўқув жараёнини кузатиш ва таҳлил қилиш орқали талабаларнинг мустақил ижодий фаолиятни ташкил этиш босқичларини белгилаш ҳамда ўқув жараёни сифатини оширишда мустақил таълимни амалга оширишнинг ташкилий-педагогик шароитларини аниқлаш;

талабаларнинг мустақил ижодий фаолиятини такомиллаштириш моделини компетенциявий ёндашув талабларини ўрганиш асосида мазмунан такомиллаштириш;

мустақил ижодий фаолиятни ташкил этишга қаратилган мустақил иш йўриқномалари, ўқув-дидактик таъминоти ҳамда мустақил ижодий фаолиятни ташкил этиш методикасини ишлаб чиқиш;

компетенциявий ёндашув асосида талабаларнинг мустақил ижодий фаолиятларининг такомиллашганлик даражаларини аниқлашнинг мезон кўрсаткичларини белгилаш.

Тадқиқотнинг объекти “Профессионал таълим” соҳа йўналишларида талабаларни мустақил ижодий фаолиятга тайёрлаш жараёни.

Тадқиқотнинг предмети бўлажак профессионал таълим ўқитувчисининг мустақил ижодий фаолиятини компетенциявий ёндашув асосида такомиллаштиришнинг мазмуни, шакл, метод ва воситалари.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда мавзуга оид илмий, фалсафий,

⁴ Динерштейн И.В. Проблема соотношения общих и специальных творческих способностей в школьном возрасте: Автореф. дисс. ... канд. психол. наук. – М., 2002. – 22 с.

⁶ Ўрозова М.Б. Бўлажак касбий таълим педагогини лойиҳала фаолиятига тайёрлаш технологиясини такомиллаштириш. пед. фан. докт. дисс.... автореф. – Тошкент: 2015.

психологик, педагогик ва услубий адабиётларни таҳлил қилиш; педагогик эксперимент; сўров ўтказиш, тест ўтказиш, мутахассислар ва талабалар билан суҳбатлашиш учун амалий усуллар; ўз-ўзини баҳолаш ва эксперт баҳолаш усуллари, рейтинг, лойиҳалаш, моделлаштириш, эксперт баҳолаш, педагогик тажриба-синов; психодиагностика, тадқиқот натижаларини математик-статистик қайта ишлаш методларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

талабаларнинг ижодий фаолиятини ташкил этишнинг лойиҳалаш, креативлик, тадқиқотчилик, конструкциялаш босқичларини белгилаш ҳамда ўқув жараёни сифатини оширишда мустақил таълимнинг ролини асослаш натижасида касбий фанлар бўйича мустақил таълимни амалга оширишнинг ташкилий-педагогик шароитлари ва талабаларни мустақил таълимга жалб этиш имкониятлари аниқлаштирилган;

талабаларнинг мустақил ижодий фаолиятини такомиллаштириш моделининг структуравий тузилмаси компетенциявий ёндашув ҳамда мустақил таълимнинг асосий мақсадларини (янги билим олиш усуллари эгаллаш, жараёнларни мустақил таҳлил қила олиш, билимларни чуқурлаштириш, кенгайтириш ва тартибга солиш) ўзаро интеграциялаш асосида мазмунан такомиллаштирилган;

талабаларнинг профессионал соҳалар бўйича билимларини амалиётда қўллай олиш компетенцияларини шакллантиришда мустақил ижодий фаолиятни ташкил этишга қаратилган мустақил иш йўриқномалари ҳамда ўқув-дидактик таъминоти, фанлар бўйича ахборотлар базаси ўқитишнинг интерфаол технологиялари (on-line мулоқот, тақдимот, лойиҳа, “Sindikar”, Project Method, Case Study)ни қўллаш имкониятлари кенгайтирилган;

компетенциявий ёндашув асосида талабаларнинг мутахассисликка хос ижодий фаолиятга тайёргарлик даражалари (тадқиқотчилик, ўз фаолиятини ўзи бошқариш ва ривожлантириш) ҳамда талабаларнинг мустақил ижодий фаолиятини баҳолаш кўрсаткичлари такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

олий таълим муассасалари “Касб таълими” йўналишлари ўқув режаларидаги умумкасбий фанлари блокига кирувчи “Педагогика. Психология”, “Тарбиявий ишлар методикаси”, “Касбий педагогика” ва “Таълим технологиялари” фанларидан талабаларнинг мустақил ижодий фаолиятини ташкил этишга қаратилган мустақил иш йўриқномалари ҳамда ўқув-дидактик таъминот, ахборот таъминоти, фанлар бўйича ахборотлар базаси, жумладан, олий таълим муассасаси талабаларининг мустақил таълими самарадорлигини ошириш бўйича методик қўлланма ва тавсиялар ишлаб чиқилган ҳамда амалиётга жорий этилган;

олий таълим муассасалари талабаларида мустақил таълимни ташкил этишга ҳамда ахборот-технологик ва зарурий компетенцияларни ривожлантиришга қаратилган “Тарбиявий иш методикаси” фани бўйича электрон таълим ресурслари яратилган ва амалиётга жорий этилган;

талабаларнинг мустақил ижодий фаолиятини компетенциявий ёндашув

асосида назорат қилиш методлари асосида услубий тавсиялар ишлаб чиқилган ҳамда амалиётга жорий этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончилиги қўлланилган ёндашув, усуллар ва назарий маълумотларнинг илмий манбалардан олинганлиги, келтирилган таҳлиллар ва тажриба-синов ишлари самарадорлигининг математик-статистик таҳлилларга асосланганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг илмий аҳамияти олий таълим муассасаси “Профессионал таълим” соҳа йўналишлари талабаларининг компетенциявий ёндашув асосида мустақил ижодий фаолияти имкониятларини аниқлаштириш, мустақил ижодий фаолиятни ташкил қилиш тушунчаси моҳиятини ёритиб бериш, таълимда мустақил ижодий фаолиятни ахборот-коммуникацион технологиялари асосида ташкил этишдаги такомиллаштирилган анъанавий ва компетентли ёндашувларнинг қиёсий тавсифи такомиллаштирилганлиги билан ифодаланади. Талабаларнинг ўз-ўзини ривожлантириш тузилмаси ишлаб чиқилиб, талаба ва ўқитувчиларнинг фаолияти учун зарурий компетенциявий ёндашувлар таркиби аниқлаштирилганлиги, талаба ва ўқитувчининг мустақил ишлаш фаолиятининг ташкилий-тайёргарлик тузилмаси ишлаб чиқилганлиги; компетенциявий ёндашув асосида талабаларнинг мустақил ижодий фаолиятини такомиллаштириш модели ишлаб чиқилиб, моделда мустақил таълим сифатини бошқариш ва баҳолаш мезонлари, кўрсаткичлари ва даражалари танланганлиги ҳамда асосланганлиги билан аҳамиятлидир.

Олинган натижаларнинг амалий аҳамияти шундан иборатки, талабаларнинг мустақил ижодий фаолиятини компетенциявий ёндашув асосида такомиллаштириш моделининг самарали ишлашига ёрдам берадиган педагогик шарт-шароитларни аниқлаш ва синовдан ўтказиш; умумқасбий фанлардан талабаларнинг мустақил ижодий фаолиятини ташкил этиш бўйича услубий кўрсатмалар, шунингдек олий таълим муассасаси талабаларининг мустақил таълими самарадорлигини ошириш ва ижодий фаолиятга йўналтириш бўйича умумқасбий фанлар дастурларини такомиллаштириш, амалиётга жорий этиш билан белгиланади. Тадқиқот натижаларидан ўқув-тарбия жараёнида талабаларни касбий фаолиятга тайёрлашда, компетенциявий ёндашув асосида мустақил ижодий фаолиятини амалга оширишда, шунингдек, олий таълим муассасалари талабаларининг ўқув-тарбия ҳамда мустақил ижодий фаолиятини ташкил этиш жараёнида фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Компетенциявий ёндашув асосида талабаларнинг мустақил ижодий фаолиятини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

талабаларнинг ижодий фаолиятини ташкил этишнинг лойиҳалаш, креативлик, тадқиқотчилик, конструкциялаш босқичларини белгилаш ҳамда ўқув жараёни сифатини оширишда мустақил таълимнинг ролини оширишга

доир тавсиялардан “Талабаларда ассертив хулқни шакллантиришнинг ижтимоий-психологик хусусиятлари” (2017-2021 йй.) мавзусидаги грант лойиҳасини бажаришда фойдаланилган (Жиззах политехника институтининг 2020-йил 11-декабрдаги 02-2060-2065 сон далолатномаси). Мазкур тавсиялар олий таълим муассасалари талабаларида мустақил таълим олиш ва ўз-ўзини ривожлантириш қобилиятларини ривожлантиришга хизмат қилган;

талабаларнинг мустақил ижодий фаолиятида ўқитувчи ва талаба ўртасидаги тармоқли ўзаро алоқа самарадорлиги ҳамда мустақил таълим олишда билим олиш усулларини эгаллаш, жараёнларни мустақил таҳлил қилиш, билимларни чуқурлаштириш, кенгайтириш ва мустақил таълимни назорат қилишни тартибга солишга оид ишланмалар “Педагогика. Психология”, “Тарбиявий ишлар методикаси”, “Касбий педагогика” ва “Таълим технологиялари” фанларидан мустақил иш йўриқномалари ҳамда “Олий таълим муассасаси талабаларининг мустақил ишлари самарадорлигини ошириш” методик таъминоти мазмунига сингдирилган (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтининг 2021-йил 6-июндаги 81-09-13-1276 сон далолатномаси). Мазкур тавсиялар “Педагогика. Психология”, “Тарбиявий ишлар методикаси”, “Касбий педагогика” ва “Таълим технологиялари” фанларидан мустақил ишларни ташкил этиш самарадорлигини оширишга хизмат қилган;

талабаларнинг профессионал соҳалар бўйича олган билимларини амалиётда қўллаш олишини таъминлашда мустақил ижодий фаолиятни ташкил этишга қаратилган ахборотлар базаси - ўқитишнинг “On-line мулоқот” “Такдимот”, “Лойиҳа”, “Sindikat”, “Project Method”, “Case Study” каби интерфаол технологияларини қўллаш орқали ”Тарбиявий иш методикаси” ўқув-дидактик таъминоти ишлаб чиқилган ва амалиётга жорий этилган (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтининг 2021-йил 6-июндаги 81-09-13-1276 сон далолатномаси). Мазкур ўқув-дидактик таъминот орқали ахборот таълим муҳитида мустақил таълимни ташкил этишнинг интерфаол методларини қўллаш орқали талабаларни мустақил ижодий фаолиятга тайёрлаш ва баҳолаш сифатини оширишга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 10 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 30 дан ортиқ илмий-услубий ишлар, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси интеллектуал мулк агентлиги томонидан берилган (№ DGU06812) гувоҳнома, 2 та услубий қўлланма ва тавсиялар, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 16 та мақола, шундан 10 та республика илмий-услубий журналларида, 6 та хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, уч боб, 120 саҳифа матн, хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, унинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларининг устивор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганганлик даражалари таҳлил этилган, тадқиқот мақсади ва вазифалари, объекти ҳамда предмети аниқланган, тадқиқот усуллари, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончилиги, илмий ва амалий аҳамияти асосланиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилганлиги, эълон қилинганлиги, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертация ишининг биринчи боби **“Талабаларнинг мустақил ижодий фаолиятини компетенциявий ёндашув асосида такомиллаштиришнинг илмий-назарий асослари”** деб номланган бўлиб, талабаларнинг мустақил ижодий фаолиятини компетенциявий ёндашув асосида такомиллаштириш мазмуни, ижодий фаолият турлари, фаолият тушунчаси, ижодий фаолиятнинг компетенциявий ёндашув асосидаги педагогик моҳияти таҳлили, мустақил ижодий фаолиятни такомиллаштиришнинг назарий-методологик асослари, талабаларнинг ўз устида мустақил ишлаш самарадорлиги омиллари ёритилган.

Ҳозирги кунда илмий техник тараққиётнинг инновацион ривожланиши, билимларнинг тезлик билан янгиланиши бўлажак мутахассисларнинг замонавий шароитларга тез мослашиши ҳамда ўқув-билиш мотивларини эгаллашларига интилишини талаб этади. Бу эса талабаларнинг мустақил изланишга, касбий муаммоларни мустақил ечиш, унга ижодий ёндошишга ўргатиш заруриятини туғдиради. Шунинг учун ҳам, бугунги кунда ижодкор, креатив фикрловчи мутахассисларни тайёрлаш жараёни узлуксиз таълим тизимининг энг асосий вазифаларидан бўлиб, бунда компетенциявий ёндашув асосида талабаларнинг ижодий фаолиятини такомиллаштириш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади. Давлат таълим стандартларида олий таълим тизимида “Профессионал таълим” соҳа йўналиши талабаларининг касбий-педагогик фаолиятида ўқитувчилик, тарбиячилик, ўқув-методик, ишлаб чиқариш, илмий-тадқиқот вазифаларини амалга оширилиши кўзда тутилган. Талабаларда таянч, умумкасбий ва махсус-касбий компетенцияларни шакллантириш ва касбий-педагогик ижодкорлик фаолиятини ривожлантиришда таълим мазмуни, ўқув режа, фан дастурлари, таълим шакли, метод, воситалари, электрон ахборот таълим ресурслари ҳамда бошқа дидактик материаллар, ўқув-методик қўлланмалар ва дарсликлар, лаборатория жиҳозлари, таълим технологиялари ва бошқалардан фойдаланиш асосида аниқланади. Натижада етук, малакали кадрларнинг мустақил ва режали асосда ўз устида ишлаши, касбий ва ижодий фаолият компетенцияларини изчил ривожлантириб боришини таъминлашга эришилади.

Талабалар (бўлажак профессионал таълим ўқитувчиси)нинг мустақил ижодий ҳамда ижодкорлик фаолиятларини ривожлантиришда компетенция-вий ёндашувнинг ўзига хос хусусияти аниқланди ҳамда ижодий компетенциялар ва уларнинг мазмун моҳияти, ёндашувлар ва уларнинг ўзига хос хусусиятларига алоҳида ёритилди.

Юқорида билдирилган фикрлар, бизгача олиб борилган тадқиқотлар таҳлили натижасида ижодкорлик фаолияти тушунчасига қуйидагича муаллифлик таърифи берилди. *Ижодий фаолият* - бу янги ғоя ва ечимларни педагогик ҳамкорликда амалга ошириш ва оммалаштиришга йўналтирилган тадқиқот фаолияти бўлиб, танлаб олинган ғояларни ахборот-коммуникацион технологиялари асосида сифат жиҳатидан янги элементларга, ташкил этувчи омилларга тўлиқ педагогик тизим сифатида қабул қилиш ва амалда синаб кўриш ва натижаларни таққослаш, ечимлардаги номутаносиблик ва зиддиятларни бартараф этишга йўналтирилган фаолиятдир. Бу берилган таъриф юзасидан *ижодий фаолият компетенцияси* – талабаларда эркин-ижодий муҳитнинг яратилиши, ўқитувчи ва талабаларнинг биргаликдаги муносабатлари ва ўзаро ҳамкорликдаги мустақил ҳаракатига асосланган интеграциялашган ўқитиш жараёнини йўлга қўйишдан иборат тушунчасига ҳам алоҳида таърифимиз келтириб ўтилди.

Мустақил иш ва ахборот-коммуникация технологияларининг ўзаро алоқаси ахборот тармоқларидир. Кутубхоналар ва маълумотлар базаларидан излаш, кейин эса уларни қайта ишлаш, мустақил ишни мувофиқ шаклга келтириш, мавжуд муаммоларни касбий ҳамжамиятларда муҳокама қилиш ва материаллар билан алмашиш зарурлиги билан изоҳланади. Аудитория ишининг камайиб, мустақил тайёргарликнинг ортиши таълим мақсадлари ўзгаришларига боғлиқ – билимларни пассив қабул қилиш ўрнига талаба уларга мустақил “эришиши” керак, бу унга касбда мобил бўлиш, ижодий фаолиятини ривожлантириш ва умри давомида мустақил таълим олиш имконини беради.

Талабалар мустақил ишлаши ҳажмининг ортишига таълим муассасаларининг технологик модернизацияси (технологияларни мустақил ўзлаштириш), касбий тайёргарликнинг узлуксизлиги, таълим муассасалари тармоқли ўзаро алоқаси ва виртуал академик мобиллик (фанларни мустақил ўрганиш), минтақавий таълим (меҳнат бозори талабаларини мустақил аниқлаш, таълим траекториясини қуриш ва касбда ўзини намоён этиш)га хизмат қилади. Бу эса талабаларнинг мустақил ижодий фаолиятини: ўз шахсий фаолиятини ташкил қилиш, касбий масалаларни ечиш усуллари белгилаш, уларнинг самарадорлиги ва сифатига баҳо бериш; таваккалчиликка баҳо бериш ва ностандарт вазиятларда қарор қабул қилиш; касбий масалаларни ўз олдига қўйиш ва уларни ҳал қилиш, касбий ва шахсий ривожланиш учун зарур ахборотни излаб топиш, таҳлил қилиш ва баҳо беришни амалга ошириш; касбий ва шахсий ривожланиш масалаларини мустақил равишда белгилаш, мустақил таълим билан шуғулланиш, онгли равишда малака оширишни режалаштиришни тақозо этади. Талабаларнинг мустақил ишлаши ва ижодий фаолиятини олиб бориш сифати ўқитувчи томонидан унинг ташкил этиш

методикасини ишлаб чиқилиши, тайёрланиши ва амалга оширилиши ва талабалар томонидан унинг бажарилиши сифати билан таъминланади.

Тадқиқот давомида илмий манбаларни таҳлил қилиш асосида талабанинг ўз қобилиятлари ва ахборот-тадқиқот фаолиятини амалга ошириш имкониятларини самарали қўллаш мақсадларида талабанинг мустақил бошқарувни ва ўзига онгли равишда таъсир кўрсатишни ўз қўлига олиши талабада қуйидаги компетенция ва кўникмалар шаклланиши зарурати тўғрисида хулоса қилиш имконини берди:

ўзини ўзи мотивациялаш (мақсадларга эришишга ва шахсий қобилиятларни фаоллаштириш учун);

ишларни мустақил ташкил этиш (ишларни режалаштириш, шахсий вақт ва маконни ташкил этиш, вазифаларни ҳал қилиш технологиялари ва усулларини танлаш учун);

ўзини ўзи назорат қилиш (иш бориши ва унинг оралиқ натижаларини мониторинг қилиш, вазиятларга адекват муносабат билдириш, ўзини чегаралаш ва бемаҳсул ҳаракатлардан воз кечиш учун);

ўзини ўзи баҳолаш (иш натижаларини баҳолаш).

Мустақил фаолиятни компетенциявий ёндашувлар асосида ташкил этишда бевосита “Компетенция” тушунчасининг мазмун моҳиятини, инсоннинг ижтимоий ва касбий ҳаёт фаолиятининг муҳим билимга асосланган, интеллектуал ва шахсий шартли тажрибаси сифатида талқин қилинади. Бу борада бўлажак профессионал таълим ўқитувчиларининг касбий компетенцияларини шакллантириб бориш билан бирга уларда мустақил ижодий фаолиятларини олиб боришга имкон берувчи зарурий компетенцияларни ҳам эгаллашига ундайди. Маълумки, профессионал таълим педагогининг касбий компетентлиги бошқа фан педагоглари билан фарқ қилади. Чунки ихтисослик фани ўқитувчиси тегишли соҳа бўйича мутахассис бўлиши билан бирга талабаларни касбий ижодий фаолиятга ўргатувчи педагог бўлиши лозим.

Диссертация ишининг **“Талабаларнинг мустақил ижодий фаолиятини компетенциявий ёндашув асосида ташкил этиш методикаси”** деб номланган иккинчи бобида таълим жараёнида мустақил ишларни ташкил этиш методлари, ахборот-таълим муҳитида мустақил ишлар орқали ижодий фаолиятни ташкил этишнинг ташкилий-тайёргарлик тузилмаси ва унинг таркибий қисмлари мазмун-моҳияти, мустақил таълимни ташкил этиш ва ўтказиш жараёнининг дидактик таъминоти, талабаларнинг мустақил таълимини назорат қилиш ва баҳолаш имкониятлари очиқ берилган. Шу билан бирга “Қишлоқ ва сув хўжалигида энергия таъминоти” “Профессионал таълим” йўналиши талабаларининг умумкасбий (Касбий педагогика, Касбий психология, Тарбиявий иш методикаси, Таълим технологиялари), ихтисослик (Махсус фанларни ўқитиш методикаси, Технологик жараёнларни автоматлаштириш), танлов (Педагогик маҳорат, Электр хавфсизлиги), қўшимча (Амалий таълим методикаси) фанларини компетенциявий ёндашув асосида такомиллаштирилган методикаси келтирилган.

Талабаларнинг ахборот-таълим муҳитида мустақил ишлашида амалиётга йўналтирилган концепциясини ишлаб чиқиш биз томонимиздан таълим мақсадлари ва тадқиқот вазифаларига мослаштирилган Давлат таълим стандартлари ва малака талаблари; мустақил ахборот таълим муҳитида талабаларни мустақил иш жараёнини ташкил этиш сифатини таъминлаш; жараёنли ва тизимли ёндашувлар; ахборот таълим муҳитининг доимий яхшилаб борилиши; ишончли ахборот асосида қарорлар қабул қилиш орқали амалга оширилади. Талабанинг ўзини ўзи бошқариши унинг ўқув жараёнини биргаликда бошқариш ва очик муҳитдаги тармоқли ўзаро алоқа муаммоларини ҳал қилишга йўналтирилган педагог ва талабанинг биргаликдаги бошқаруви “педагог-талаба” ва уларнинг ўзаро алоқаси ривожланишини талаб қилади.

Педагогнинг фаолияти ахборот-таълим муҳитида мустақил ишни бажариш сифатини инобатга олган ҳолда тизимли амалга оширилади.

Мустақил ижодий фаолият жараёни ахборот-таълим муҳитида талабаларнинг мустақил фаолият сифатини бошқариш тизимининг ёрдамчи жараёнлари талабалар ва ўқитувчиларни унда ишлашга тайёрлашга йўналтирилган бўлиб, тизим асосий жараёнларининг янада самарали фаолият кўрсатишини таъминлайди. Тизим асосий жараёнларини амалга ошириш натижаси талабалар мустақил фаолият сифатини яхшиланишида ифодаланади:

ўзини ўзи бошқариш жараёни талабанинг очик муҳитда ва фаолиятнинг ҳар қандай соҳасида мустақил фаолиятга тайёрлиги кўрсаткичи ўсиши билан яқунланади;

билвосита педагогик бошқариш жараёни – талаба мустақил фаолиятининг сифатини баҳолаш ва режалаштирилган натижаларга эришилганликка гувоҳ бўлиш билан;

биргаликда бошқариш жараёни – талабаларнинг таълим хизмати ўлароқ, мустақил фаолиятини ташкил этилишидан қониқишлари билан яқунланади.

Педагог тайёрлигининг касбий характери қуйидагиларда акс этади:


услубий (мустақил фаолиятни режалаштириш ва услубий тўлдиришни таъминлайди);

ўқув-ташқилий (унинг ахборот муҳитида технологик ташкил этилишини таъминлайди);

эксперт компонентларида (натижалар назоратига йўналтирилган);

тармоқли ҳамкорлик компонентида (биргаликдаги фаолиятни мувофиқлаштиришни таъминлайди).

Ахборот-технологик компонент техник, шу билан бирга, базавий характерга эга бўлиб, у ўқитувчини ўз касбий фаолиятида ахборот технологияларини қўллаш билимлари ва кўникмалари билан таъминлайди. Юқорида қайд этилганларни ҳисобга олган ҳолда, “Талабаларнинг мустақил ижодий фаолиятини компетенциявий ёндашув асосида такомиллаштириш” модели ишлаб чиқилди (1-расмга қаранг).



1-расм. Талабаларнинг мустақил ижодий фаолиятини компетенциявий ёндашув асосида тақомиллаштириш модели

Тадқиқот ишида ишлаб чиқилган терминологик аппарат ва методологик ёндашувлар профессионал таълим ўқитувчисининг мустақил ижодий фаолиятини такомиллаштириш моделини қуришнинг таркибий ва функционал аспектларини асослаб беришимизга имкон яратди.

Таклиф этилаётган моделнинг функционал аспекти модел таркибининг компонентлари (мақсад компоненти, ресурс компоненти, эгалланиши зарур бўлган компетенциялар, ташкилий тайёргарлик ва бошқариш, ижодий компетенциялар, ахборот-таълим муҳитида мустақил ишлашини ташкил этиш жараёни, баҳолаш ва назорат компонентлари ва натижавий) ҳар бири муайян функцияларни бажариши билан таъминланади.

Ҳар қандай жараённинг самарали кечиши, фаолиятнинг муваффақиятли ташкил этилиши унга таъсир этадиган омилларга боғлиқ. Шунга кўра тадқиқотни олиб бориш даврида талабаларнинг зарурий компетенцияларни эгаллашга қаратилган мустақил фаолиятини ташкил қилишда педагоглар томонидан муаммоли топшириқлар, лойиҳалар тузиш, касбий масалаларни ечиш, шунингдек портфолиони қўллаш мақсадга мувофиқ бўлади.

Ахборот-таълим муҳитида мустақил таълимни самарали ташкил қилиш учун таълимнинг турли воситаларидан фойдаланиш мумкин. Жумладан, электрон курслар, электрон таълим тизимлари, видео маърузалар, веб-семинарлар, электрон тестлар ва бошқалар. Бу воситалардан ташқари, ҳозирги вақтда замонавий ва ихчам мобил технологиялар ҳам мавжуд.

Методологик ёндашув турларидан асосан компетенциявий ёндашувнинг олий таълим тизимида бўлажак профессионал таълими педагогларини тайёрлаш жараёни объекти сифатида қаралганлиги сабабли фаолиятли ва креатив ёндашувларни ўрганишни тақозо этиши ҳамда ўзаро бир-бирини тўлдириши илмий тадқиқ этилди.

Мустақил ижодий фаолиятни ривожлантиришнинг методик асосларида таълим мазмуни, шакл, метод ва воситалари аудитория ва аудиториядан ташқари вақтларда мустақил фаолият кўрсатиш бўйича машғулотларни ташкил этиш босқичлари ва жараёнлари негизида таҳлил қилинди.

Таҷриба-синов давомида мустақил ижодий фаолиятни (аудиторияда ва аудиториядан ташқарида) олиб боришда таълим йўналиши ўқув жараёнининг барча босқичлари комплекс қамраб олинди.

Жумладан, маъруза машғулотлари, амалий машғулотлар, лаборатория машғулотлари, индивидуал лойиҳа ва тўғарак машғулотлари, курс иши ва курс лойиҳалари, республика олимпиадалари ва танловлари, инновацион танловларга иштирок этишга тайёрлаш жараёнлари методик ёндашувлар асосида қуйида келтирилган таълим методларини қўллаш орқали амалга оширилди.

Бунда Б.Блум таксономияси асосида ижодкорликни ривожлантиришнинг ижодий билиш, тушуниш, қўллаш, анализ, синтез ва баҳолаш босқичлари техник объект ва педагогик-технологик жараёнларни ўрганиш ҳамда машғулотларни ташкил этишнинг методик асослари сифатида талқин қилинди.

Талабаларнинг мустақил ижодий фаолиятини фаолиятли ва креатив ёндашувлар асосида ташкил этишда: маъруза машғулотларида (Технологик жараёнларни автоматлаштириш фани бўйича) «Муаммоли таълим» методидан фойдаланиб ўтилаётган мавзунинг мазмунидан келиб чиқиб, муаммони қўйиш ва унинг ечимини таҳлил асосида битта ечимга келиш ўзининг ижодий фикрига ёндоша олиш яъни креатив компетенцияси; амалий машғулотда “Лойиҳалаш” методи (Project Method)дан фойдаланиб (Амалий таълим методикаси фани бўйича) таълим жараёнида талабаларнинг касбий (мустақил ижодий) фаолиятга тайёрлашда замонавий ахборот-коммуникацион технологиялардан фойдаланиб, педагогик дастурий маҳсулотлар, илмий лойиҳалар ишлаб чиқишга ўргатиш орқали лойиҳалаш компетенцияси; лаборатория машғулотида “Иллюстратив” методдан фойдаланиб, “Hidroleaders” тўғарак машғулотида талабаларни касбий фаолиятга тайёрлашда намойиш тажрибаларидан фойдаланиш, ўз-ўзини ривожлантириш ҳамда техник жараёнларни моделлаштириш натижасида конструкциялаш орқали конструкциялаш компетентлигини шакллантириш семинар (Таълим технологиялари фани) машғулотида “Sindikar” методидан фойдаланиб талабаларда мавзу (масала, муаммо)ни ижодий ўрганиш, назарий билимларни умумлаштириш, тизимлаш асосида фикрни қисқа ва аниқ баён қилиш қобилиятини тарбиялашга коммуникатив компетентлиги; тўғарак машғулотида “Case Study” талабаларни ўз фикри ва ҳатти-ҳаракатларни англаш ҳамда мустақил фикрлаш, таҳлил қилиш, баҳолаш, қарор қабул қилиш рефлексивлик компетенциясини шакллантиради; мустақил таълим машғулотида тадқиқотчилик методи (Умумкасбий фанлари) таълим жараёнида бўлажак мутахассисларни кузатиш, тажриба, ўлчаш, таҳлил қилиш, синтез қилиш, моделлаштириш, автоматлаштиришга ўргатиш орқали тадқиқотчилик компетенцияларини шакллантиришга ва ривожлантиришга эришилди.

Мустақил ижодий фаолиятни компетенциявий ёндашув асосида такомиллаштириш технологиялари тадқиқотимизнинг негизи ҳисобланиб, бунда инновацион технологиялар (“Sindikar”, Project Method, Case Study) ижодий машқлар, муаммоли видеотопшириқлар асосида мустақил ижодий фаолиятни такомиллаштириш жараёнини ташкил этиш, бошқариш ва натижаларни аниқлашга оид таълим технологиялари шакллантирилди ҳамда амалиётда қўлланилди. Таълим амалиётига татбиқ этилган методика ва технологиялар асосида талабаларнинг мустақил ижодий фаолиятини такомиллашганлик даражаларини аниқловчи баҳолаш мезонлари сифатида мотивацион-қадриятли, когнитив, фаолиятли ва креатив юқори, ўрта ва қуйи даражалари ижодий фаолият натижалари таҳлил қилинди. Натижа сифатида касбий-педагогик жараёнларни бошқаришга тайёр компетентли, ижодкор мутахассислар шаклланиши ҳамда ижтимоий эҳтиёжларни қондиришга тайёрлиги, жамиятимиз равнақида ўз хиссаларини қўшишлари илмий асосланди.

Диссертация ишининг учинчи боби “**Компетенциявий ёндашув асосида талабаларнинг мустақил ижодий фаолиятини ташкил этиш методикасини такомиллаштириш бўйича тажриба-синов ишлари**” деб номланиб, тажриба-синов ишининг мақсади, вазифалари, босқичлари аниқланган, тажриба-синов ишининг аниқловчи босқичи натижаларини таҳлил қилинган, талабаларнинг мустақил ижодий фаолиятини такомиллаштириш моделини амалиётга жорий этиш бўйича самарали ишлаши учун педагогик шарт-шароитлар ишлаб чиқилган, ўрганиш самарадорлигини тасдиқловчи тажриба-синов иши натижаларини таҳлил қилинган.

Тажриба-синов ишлари 2018-2021 йилларда Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти, Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти ҳамда Жиззах политехника институтида “Касб таълими” йўналишлари талабалари билан олиб борилди. Тажриба-синов ишида мамлакатимизнинг учта олий таълим муассасаларидан жами умумкасбий фанлардан дарс берувчи 9 та ўқитувчи, муҳандисликка оид ихтисослик фанларидан 8 та ўқитувчи ҳамда жами 522 та талаба иштирок этишди. Тажриба-синов даврида тадқиқ этилаётган муаммонинг қуйидаги:

мустақил ижодий фаолият;

компетенциявий ёндашув асосида талабалар мустақил таълимини ташкил этиш шакллари;

педагогик шарт-шароитлар, мезон ва даражалари йўналишларида изланишлар олиб борилди.

Тажриба-синов ишлари: ташкилий-тайёргарлик босқичи, тажриба-синов ишларини бевосита ташкил этиш босқичи, якуний босқичлардан иборат бўлди.

Таълим жараёнида талабаларни мустақил ижодий фаолият жараёнини кузатиш давомида ўқув жараёнининг ўрганилиши лозим бўлган ҳодиса ёки томонлари ажратилди, масалан, машғулотлардаги талабаларнинг фаоллиги, ўзлаштириладиган материалга нисбатан уларнинг қизиқишлари, берилган жавобларнинг сифати: тўғрилиги, тўлиқлиги, аниқлиги, англанилганлиги ва шу кабилар. Тадқиқот давомида олинган натижалар аниқ белгиланган тартибда қайд этиб борилди.

